

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ

МАВЗУСИДАГИ ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ
ВА ТАЛАБАЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА
АНЖУМАНИ ТЎПЛАМИ



Ўзбекистон халқаро ислом академияси
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2018

УЎК: 28
КБК: 86.38
М 28

«Марказий Осиё ва Ислом цивилизацияси» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами / Масъул муҳаррир академик Н.Иброҳимов. – Тошкент, Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018. – 352 бет.

УЎК: 28
КБК: 86.38

Масъул муҳаррир:
академик Неъматулла Иброҳимов

Таҳрир хайъати:

З.Исломов, Б.Исмоилов, И.Бекмирзаев, А.Арипов, Д.Махсудов, С.Оқилов, Ҳ.Сағдиев, Д.Муратов, М.Алимова, Н.Насруллаев, А.Аллоқулов, А.Тожиев, Ў.Палванов, А.Абдурахмонов

Ушбу тўпланда ёш олим, тадқиқотчи ва талабалар томонидан ислом илм-фани ва маданиятининг қадимий бешикларидан бири бўлган Марказий Осиё заминидан туғилиб, ўсган буюк мутафаккирлар, ислом илмлари билан бир қаторда жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган алломаларнинг бой илмий-маънавий мероси таҳлил қилинган. Шунингдек, ислом цивилизациясининг асоси сифатида қадрланадиган инсонпарварлик, ўзаро тотувлик ва ҳурмат, инсоний бағрикенглик каби тамойиллар, ислом маданиятининг мамлакатимиз ижтимоий-маънавий ҳаётидаги роли ва унинг ёш авлод тарбиясидаги ўрни борасидаги тадқиқотлар ҳам ўрин олган.

Илмий тўпланим олим ва мутахассислар, тадқиқотчи ва талабалар, ислом тамаддуни билан қизиқувчи ҳамда шуғулланувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тўпланимга киритилган материалларда келтирилган рақам, факт ва маълумотлар учун муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.

Исломишунослик илмий тадқиқот марказининг навбатдан ташқари мажлиси 2018 йил 26 апрелдаги 1-сонли баёнига биноан нашрга тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2589-сонли ҳулосасига асосан тайёрланди.

ISBN 978-9943-5167-6-2

© «Ўзбекистон халқаро ислом академияси»
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018

қаторда Маккадаги ўзбек хонақоҳининг ҳам бутун хоҳиш истаклари Султонлар томонидан ижобий ҳал қилиниб келинган.

Маккадаги мазкур ўзбек хонақоҳининг манзили, шайхлари ва фаолиятига доир тўлиқ маълумот сақланиб қолмаган.

Мадинадаги ўзбеклар хонақоҳи. Маълумки, Мадина шаҳри ислом оламининг илк марказий кенти бўлиши билан бир қаторда муҳим илмий марказ сифатида ҳам аҳамиятли эди. Ислом оламининг турли минтақаларидан келган талабалар, олимлар ва тасаввуф аҳллари шаҳар аҳолисининг аксар қисмини ташкил этган.

Усманийлар Султонлигида ўзбекларнинг эътибори баланд бўлиб, ҳатто Мадинада бир ўзбеклар мадрасаси ҳам фаолият юритар эди. Шу билан бир қаторда 1853 йилда Истанбулдаги Айюб маҳалласидаги ўзбек қаландархонаси шайхи Абдулғафур Афанди Мадинадаги Ўрта Осиёдан борган фақирлар ва дарвишлар учун бир хонақоҳ қурдиради.

Мазкур Мадинадаги ўзбеклар хонақоҳининг фақирлар, мусофирлар, талабалар ва дарвишлар учун тарқатиладиган озиқ-овқат харажатлари Усманий Султонлигининг Вақфлар Назорати Бошқармаси томонидан қопланган.

Мазкур ўзбеклар хонақоҳининг илк шайхи Абдулғафур Афанди бўлиб ундан сўнг хонақоҳ Шайх Сағир Абдуллоҳ, Али Нурий Афанди, Шайх Шариф Бухорий ва Ҳожи Саййид Афандилар томонидан идора этилган.

Умуман олганда, мазкур ўзбек хонақоҳларининг қурилиши ва ташкил этилиши XIX аср ва XX аср бошларида ўзбек халқига ислом олами томонидан берилган эътиборни кўрсатади. Шунингдек, ушбу хонақоҳлар нафақат зиёратчилар қўним топадиган маскан, балки ўзбек халқига мансуб зиёратчилар, дарвишлар, талабалар ва олимларнинг турли муаммоларини хал этиб берувчи ҳамда уларнинг ҳақ ва ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ўзига хос консулхона вазифасини бажарган дейишимиз мумкин.

* * *

И. Нигматуллаев,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси талабаси

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ “ҚАДИМГИ ХАЛҚЛАРДАН ҚОЛГАН ЁДГОРЛИКЛАР” АСАРИНИНГ ШАРҚ ДИНШУНОСЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ

Ўрта асрнинг буюк қомусий олими Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний 973 йил 9 сентябрда Хоразмнинг қадимги пойтахти Кат шаҳрида туғилди. Берунийнинг асарлари мусулмон Шарқи маданиятининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Араб ва форс тилларида ёзилган Байҳақий, Шаҳризўрий, Қифтий, Ёқут Ҳамавий асарларида Беруний ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади.

Берунийнинг ўз даври илм-фанининг турли соҳаларига оид 160 дан ортиқ таржималари, турли ҳажмдаги асарлари, ёзишмалари бизгача етиб келгани маълум. Берунийнинг дастлабки йирик асари “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” ҳисобланади. Асарнинг арабча номи “Ал-осор ал-боқия ан ал-қурун ал-ҳолия” бўлиб, Европада “Хронология”, ўзбек шарқшунослигида “Осор ал-боқия” номи билан машҳур. Беруний бу китобини Журжонда муҳожирлик даврида 1000 йили, баъзи манбаларда 1000-1003-йилларда ёзган. Асарни Журжон ҳокими Қобус ибн Вашмгирга тақдим этган ва асар Берунийга катта шухрат келтирган. “Осор ал-боқия” тарихнинг ёрдамчи илмлари бўлмиш хронология, этнография, топономика каби фанларга қимматли маълумотлар беради.

Беруний кунт ва матонат билан турли халқларнинг тарихи ва маданиятини ўрганган, яҳудий, юнон, форс, араб, суғдий, қибтий ва бошқа тилларни мукаммал эгаллаган. Яҳудий ва христиан динлари тарихи, Таврот ва Инжил билан чуқур танишган, Тавротнинг аслидан парчалар келтирган. Олим арабларнинг исломгача бўлган ва ундан кейинги тарихини синчиклаб, ҳар томонлама кунт билан ўрганган.

“Осор ал-боқия”да Беруний эронийлар, суғдийлар, румликлар, хоразмликлар, қибтийлар, христианлар, яҳудийлар, исломгача бўлган араблар ва мусулмонларнинг йил ҳисоблари, ҳайитлари ва машҳур кунларини муфассал тасвирлаб берган. Беруний мусулмон олимлари ичида биринчи марта яҳудийлар календари ҳақида системали маълумотлар беради. Ундан ташқари, асардаги жуда кўп тарихий воқеалар, турли миллатлар ва динларга оид муҳим маълумотлар, пайғамбарлар ва сохта пайғамбарлар, подшоҳлар, сулолалар, машҳур тарихий шахслар ва олимлар ҳақидаги маълумотлар ҳам аҳамиятлидир.

Беруний бу асарни нима учун ёзгани ҳақида шундай дейди: “Адиблардан бири мендан турли халқлар ҳақидаги тарихлар, уларнинг бошланишлари ва шохобчалари, яъни ойлар ва йиллари устида

у тарих эгаларининг ихтилофлари ва бу ихтилоф сабаблари, машхур байрамлар, ҳар хил вақтлар ва юмушлар учун белгиланган кунлар, миллатларнинг баъзиси амал қилмайдиган бошқа маросимлари ҳақида сўради ва мени имкон борича уларни жуда равшан баён этиб, ўқувчи фаҳмлайдиган, турли китобларни ахтариш ва у китоб эгаларини суриштиришга эҳтиёж қолмайдиган бир асар ёзишга даъват этди”.

Беруний ўз асарини ёзишга киришар экан, бу ишнинг осон эмаслигини, қадимги халқлар, уларнинг йил ҳисоблари ҳақидаги ривоятлар ниҳоятда чалкаш эканлиги, ёлғон афсоналар ва асоссиз маълумотларларга тўлиб-тошиб ётганини таъкидлайди. Бундай ёлғонлардан ҳоли бўлиш учун “у ривоятларнинг давримизга энг яқин ва энг машхурини, сўнгра яқинроқ ва машхурроғини бирин-кетин олиб боришимиз лозим, уларни ўз арбобларидан қабул қилиб тузатиш мумкин бўлганини тузатишимиз, бошқаларини ўз холича қолдирамиз. Шунда биз келтирган ривоятлар ҳақиқатни қидирувчи ва ҳикматни сезувчининг улардан бошқа ривоятлар устида иш юргизишига ёрдамчи ва биз муяссар бўлмаган нарсаларга эришиш учун йўлловчи бўлади”, – дейди.

“Осор ал-боқия” подшоҳлар ва машхур шахсларнинг тарихинигина ёритиб берувчи асар бўлмасдан, халқлар маданияти тарихи, уларнинг урф-одат ва эътиқодлари тарихини ўзида акс эттирилган тарихий-этнографик асар ҳамдир. Беруний ўз асарида турли халқларнинг йил ҳисоблари, урф-одатлари устида тўхталар экан, Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг маданиятини юқорига кўтарган. Асарнинг этнографик хусусиятларига эътибор берадиган бўлсак, унда кўплаб халқларнинг расм-русумлари, ҳайитлари, байрамлари ва афсоналарига тўхталинади. Жумладан, муаллиф арабларнинг исломгача бўлган давр ҳақида тўхталганида шундай маълумотни келтиради: “...араблар шаввол ойини туя думини кўтарадиган ой деб, бу ойда ўғилларини уйлантирмайдилар”. [2]

Беруний асарда баъзи шахарларнинг одатлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтган. Хусусан, Ал-Машаккар шахридаги бозорда кулоққа гапириб, савдо қилиниши ҳақида маълумот келтирилган. Беруний турли халқлар расм-русумларига ҳам тўхталиб, улардаги баъзи одатлар ҳақида ҳам маълумотлар беради. Баъзи халқларда байрам кунлари бир-бирларига шакар ҳадя қилиш, наҳорга анор, беҳи, олма ейиш, кундузи гулсафсар тутатиш, тол тутатиш, байрамда бир-бирларига сув сепиш ва шу каби қизиқарли маълумотларни ҳам бериб ўтади. Рўза ҳақида фикр билдирилганда, уни мусулмонларда фарз, мажусийларда эса гуноҳлиги ҳақида фикр билдиради. Қадимги халқларнинг урф-одатлари ва ҳайитлари ҳақида тўхталиб, Ўрта Осиё ва Эрон халқлари маданиятига алоҳида эътибор қаратади.

Беруний Пайғамбар Муҳаммад(с.а.в)нинг ҳаётларига оид масалаларни ҳам ҳар томонлама таҳлил қилган. Пайғамбаримизнинг насаблари Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим ибн Абду Манноф ибн Қусай ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб ибн Луайя ибн Голиб ибн Фихр ибн Молик ибн ан-Назр ибн Кинон ибн Ҳузайма ибн Мудрик ибн Илёс ибн Музар ибн Низор ибн Маадд ибн Аднон экани, Исмоил ибн Иброҳим авлодидан бўлганини таъкидлайди.

Беруний Пайғамбар Муҳаммад(с.а.в)нинг туғилган саналари борасида ихтилофлар борлигини билдириб, бу борадаги маълумотларни саралашга ва таҳлил қилишга ҳаракат қилган. Шаъбий китобидан у куйидаги сўзларни келтиради: “Биров Пайғамбар душанбага ўтар кечаси рабиъул аввал ойининг иккинчисида, биров саккизинчисида деса, бошқаси ўн учинчисида туғилди, деган. Яна биров Хусрав Нўшеравон подшоҳлигининг қирқ олтинчи йилида, биров қирқ иккинчи, биров қирқ учинчи йилида туғилди, деган. Шунинг учун бу ихтилоф баробарида Пайғамбар умри ҳақида ҳам келишмовчилик бор”. Беруний шунингдек, Муҳаммад ибн Жобир Баттоний ўзининг “Китоб ул-кусуфот”ида: “Пайғамбар душанба кечаси йигирманчи найсон Искандар эрасининг саккиз юз саксон иккинчи йилида дунёга келган”, деб ёзганини, ас-Салломий ўзининг “Эралар китоби”да: “У рамазон ойининг ўн иккинчи санаси душанба куни тонг отарда туғилган”, деб қайд этганини, Ҳамза ал-Исфажоний эса “Буюк миллатлар эраларига оид” китобида: “У рабиъул аввалнинг иккинчи, баъзиларнинг айтишича эса саккизинчи, бошқаларнинг айтишича, ўн учинчи куни кечаси туғилган. Унинг душанба куни рабиъул аввал ойининг биринчи ярмида туғилгани ҳақида ихтилоф қилмаганлар ва туғилиши Анушервон подшоҳлигининг қирқинчи, қирқ биринчи, ёки қирқ учинчи йилида бўлди, деганлар” каби фикрларни қиёсий ҳолда келтирган. Юқоридаги фикрларни ўрганган Беруний Муҳаммад пайғамбарнинг туғилган саналарини куйидагича келтиради: “Пайғамбар “Асҳоби фил” Маккага келганидан элик кун кейин туғилди. Бу воқеа Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг “Китоб ат-тарих” асаридаги сўзига кўра, Анушервон подшоҳлигининг қирқ иккинчи йилида ёки Искандар эрасининг саккиз юз саксон иккинчи йилида найсоннинг йигирманчи кунида эди”. Демак, агар бу саналар милодий ҳисобга ўгирилса, 570 чиқади. “Асҳоби фил” воқеаси эса муҳаррам ойининг ўн еттинчи кунида юз бергани ҳисобга олинса, Муҳаммад пайғамбар 570 йил рабиул аввал ойининг еттинчисида туғилганлари аниқ бўлади. [2]

“Осор ал-боқия” асарида баён этилган маълумотлар нафақат диний, балки география, математика, астрономия, картография, тилшунослик, биология каби фанлар учун ҳам қимматли маълумотлар

беради. “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асари Берунийнинг қомусий ва буюк олим эканлигини яна бир исботлайди.

Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асаридаги диний қадриятларнинг мантиқий изчилликда баён этилиши, уларнинг мавжуд таснифи тақвимга кўра асосланганининг гувоҳи бўлиш бугунга келиб, мусулмонлар, христианлар, замонавий араблар, эронликлар, қисман зардуштийларнинг маданий ижтимоий манзараси қандай илдизларга бориб тақалишини ўрганишга имкон беради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида тарихий-маданий меросимиз намуналарини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг жаҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини тарғиб этиш, шу асосда юртдошларимиз, аввало, ёш авлодни халқимизнинг буюк маънавий меросига ҳурмат, она юртимизга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган ишларнинг натижадорлигини тубдан ошириш бўйича долзарб вазифаларни самарали ҳал этишга киришилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази” ташкил этилди. Зеро, буюк алломаларнинг асарларини, хусусан, Берунийнинг “Осор ал-боқия” асарини ўрганиш ёшларни тарихий анъана ва урф-одатларга садоқат, аждодлар меросига ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

* * *

Н.Абдуллаева,
Жиззах ДПИ талабаси

“ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ”ДАГИ ОДАМ АЛАЙҲИССАЛОМ ҚИССАСИ ВА УНИНГ ТАЪЛИМИЙ-АХЛОҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Носириддин Рабғузий ўзидан олдинги ёзилган пайғамбарлар қиссаларини чуқур ўрганиб, улар йўл қўйган камчиликларни тузатиб, ютуқларни ўзлаштиради ҳамда ўзининг “Қисаси Рабғузий” асарини ёзади. Биз бу асарни ўқиш жараёнида дунёдаги ҳар бир ходиса, воқелик муайян бир сабаб асосида пайдо бўлганлигига ишонамиз. Асарда барча образлар биргина Муҳаммад пайғамбар атрофида бирлашади ҳамда унинг айтган ҳикматли сўзлари ва ҳадислари билан янада таъсирли ва ишончли тусга киради.

Бу асар бир томондан, бизнинг диний билимларимиз, илмий дунёқарашларимизни оширса, иккинчи томондан ўзининг таълимий-ахлоқий жиҳатлари билан маънавиятимизнинг юксалиши учун ҳам ҳисса қўшади. Асардаги ана шундай қиссалардан бири Одам алайҳиссалом қиссаси бўлиб, Пайғамбаримиз айтганларидек, “Кимда ким бу дунё ажойиботларини кўрмоқчи бўлса, Одам алайҳиссалом қиссасига қарасин”.

Дарҳақиқат, Одам Атонинг яратилиши бу дунёдаги инсоният деб аталмиш тилсимотнинг тамал тоши эди.

Хўш, нима учун Аллоҳ Одам Атони яратди ва унга бунчалар эътибор кўрсатди. Яъни, фаришталарни унга сажда этишга буюрди. Ер юзидаги ҳалифам деб эъзозлади?! Бунинг сабаби ислом дини талқини бўйича қуйидагичадир: Аллоҳ Еру осмонни, ҳар икки дунёни пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом учун яратди. Бутун борлиқ унинг нуридан пайдо бўлган ва ўз навбатида у Одам Атонинг авлодидан бўлиши лозим эди.

Улуғ мутафаккир шоир ва мутассаввуф донишманд Алишер Навоий ўзининг “Ҳайрат ул-аброр” достонида юқоридаги фикрни қуйидагича талқин этади:

*Топти азал субҳи чу базминг чарог,
Не тонг агар ёрус яз минг чарог.*

*Бўлди санга Одам сабқатнамо,
Аввал ўгул, сўнгра гар ўлса ато.*

*Наслида ҳар ким анга пайванд ўлуб,
Борчаси фарзандингга фарзанд ўлуб.*

Яъни: базминг чирогидан Азал нури ёришиди, бундай юз минг чироқ ҳам нурингдан ёришса, ажаб

А. Мусафоев. МУЛЛА АЛИ АЛ-ҚОРИЙ ҲАНАФИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ, АЛЛОМА ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ УМУМИЙ ТАҲЛИЛИ	45
О. Хурсанов. МУЛЛО АЛИ ҚОРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ	48
А. Гофуров. МУЛЛА АЛИ ҚОРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ, ИЛМИЙ МЕРОСИДА “АНВОРУЛ ҚУРЪОН ВА АСРОРУЛ ФУРҚОН” АСАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ	50
М. Жабборов. АБУ ЖАЪФАР АЛ-УСТРУШАНИЙ – ФИҚҲ ИЛМИДА ЕТУК АЛЛОМА	52
Х. Shahobiddinova. AHMAD JAVDAT – ISLOM FAQIH	54
Л. Абдукаримов. ЮСУФ САККОКИЙНИНГ “МИФТОҲ АЛ-УЛУМ” АСАРИГА ЁЗИЛГАН ШАРҲЛАР	55
О.Тожибоева. МАСЪУД ИБН ЮСУФ САМАРҚАНДИЙНИНГ “САЛОТИ МАСЪУДИЙ” АСАРИ ТОШБОСМА НАШРИ ҲАҚИДА	57
Ҳ.Усмонова. “САЛОТИ МАСЪУДИЙ”НИНГ НАЗАРИЙ МАНБАЛАРИ.....	59
З.Арипова. НАЖМИДДИН КУБРО ҲАҚИДА.....	60
М. Атабаева. ШАЙХ АБУ БАКР ГУЛОБОДИЙНИНГ «АТ-ТАЪАРУФ БИ-МАЗҲАБИТ ТАСАВВУФ» АСАРИ ҚИММАТЛИ МАНБА СИФАТИДА	61
А.Абдувоҳидов. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ВА НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ	64
Д. Жамолова. ДОМЛА МУҲАММАД ИКРОМ МУФТИ БУХОРИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ – “ИЙҚОЗУ-Н-НОИМИЙН ВА ИЪЛОМУ-Л-ЖОҲИЛИЙН” АСАРИ ҲАҚИДА)	66
Д. Юсупова. МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ “АЛ-ҚИСТОС” АСАРИ АРУЗ ИЛМИГА ДОИР НАЗАРИЙ МАНБА СИФАТИДА.....	68
Sh. Toshqulova. SHARQNING MASHNUR TILSHUNOSI – MAHMUD ZAMAXSHARIY	69
И. Адизова. ЎЗБЕК ШОИРАЛАРИ ШЕЪРИЯТИДА ИСЛОМИЙ ЭЪТИҚОД МАВЗУСИ	71
З. Мамадалиева. АЛИШЕР НАВОИЙ ДОСТОНЛАРИДА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ОБРАЗИ	73
А. Раззоқов. НАВОИЙ ИРФОНИЙ ҚАРАШЛАРИДА АҚИДА ИЛМИНИНГ ЎРНИ	75
К. Ганиев, А. Раҳматов. АЛИШЕР НАВОИЙ ТЕМУРИЙЛАР САЛТАНАТИНИНГ АСОСЛАРИ ВА МАЪНАВИЙ МЕЗОНЛАРИ ҲАҚИДА	77
М. Пўлатова. МУМТОЗ ШАРҚ АДАБИЁТИДА “АРБАЙН” АНЪАНАСИГА ДОИР	79
Ф. Низамова. АДИБНИНГ ФОРСИЙ МЕРОСИДАН БИР ШИНГИЛ	80
А. Нарманов. ШАЙХ МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	82
С. Эшонқулова. “ТАРИХИ АНБИЁ ВА ҲУКАМО” АСАРИНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ МОҲИЯТИ	84
Ф.Тошбоев, Л.Умрзоқова. ИСЛОМНИНГ УСТРУШОНА ХАЛҚЛАРИ ДИНИЙ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ.....	86
А.Мусафоев. XVI–XIX АСРЛАРДА МОВАРОУННАҲР ШАҲАРЛАРИДА МАДАНИЙ ҲАЁТ ВА ИЛМИЙ МУҲИТ	87
М. Жониев. ҲИЖОЗДАГИ ЎЗБЕК ХОНАҚОҲЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ.....	89
И. Нигматуллаев. АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ “ҚАДИМГИ ХАЛҚЛАРДАН ҚОЛГАН ЁДГОРЛИКЛАР” АСАРИНИНГ ШАРҚ ДИНШУНОСЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ	91
Н.Абдуллаева. “ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ”ДАГИ ОДАМ АЛАЙҲИССАЛОМ ҚИССАСИ ВА УНИНГ ТАЪЛИМИЙ-АХЛОҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	93
Ш. Давлатова, М. Дўсназарова. ХОЖА САМАНДАР ТЕРМИЗИЙНИНГ СИЁСИЙ ҚАРАШЛАРИДА ЭЛЧИЛАР МАСАЛАСИ.....	94
Н. Ибрагимова. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ҚОРАХОНИЙЛАРНИНГ ЭЛЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ..	96
А. Худоёров, А. Жумаев. ЮРТИМИЗДАН ЕТИШИБ ЧИҚҚАН БУЮК АЛЛОМАЛАР ИЛМИЙ - МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ	98
Ҳ.Отажонов. НАСАФИЙЛАРНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ – ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ДУРДОНАЛАРИ	99
Ж. Каримов. ЮРТИМИЗ АЛЛОМАЛАРИ ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ	101